

О'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
НОКИМИ
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакургана
Самаркандской области
Республики Узбекистан

О'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

2018 у.г. «9» сентябр

№ 1687-к

Каттақо'рг'on sh. – г. Каттакурган

Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги
бошқарув аппарати, унинг таркибий
бўлинмалари тўғрисидаги Низомларни
ҳамда бошқарув аппарати
ходимларининг функционал
вазифаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарорини инобатга олиб ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2018 йил 8 сентябрдаги №603-сонли қарорини ижросини таъминлаш, шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппарати фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қуйидагилар:

Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги Низом 1-иловага;

Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги девонхонаси тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифалари тақсимооти 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, бошқарув аппарати ходимлари ушбу қарор билан тасдиқланган Низомлар ва функционал вазифалар тақсимооти талабларига тўлиқ риоя этсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, Низомлар ва функционал вазифаларга риоя этилмаслиги уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жазо чоралари қўлланилишига асос бўлиб ҳисобланади.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштириш бўйича таклифлар киритсинлар.

3. Шаҳар ҳокимининг 2017 йил 27 апрелдаги 503-Қ-сонли қарори ҳамда 2017 йил 27 апрелдаги 56-Ф-сонли фармойиш ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (Ф.Камалов), девонхона (С.Алиқулов) шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппаратининг барча ходимларини ўз вазифалари билан таништирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Шаҳар ҳокими



М.Хашимов